


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ 492-80
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирининг
2016 йил "6" Апрел даги



“Журналистика ва коммуникация”
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2016 йил 26.09.2016 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик микрорайон” модули: ф.ф.д., проф. М.Арипов, п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирзолиева, И.А.Элимджонов.
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф.ф.д., доц. Х.Холмедов, кат. ўқит. В.Хамидов, ўқитувчи Т.Шаймардонов.
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондан Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.
“Тизimli тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.ф.н. Х.М.Алимов, п.ф.н. Ф.Эсанбобоев.
Махсус фаилар бўйича: ф.ф.д.Я.Маматова, PhD З.Абдурашидов, ф.ф.н. Н.Муротова,
Хорижлик мутахассис: М. Маданишопа-Штайнер (MA in Journalism, Келл университетти).

Хорижий эксперт: Сеол Вонгай (Жанубий Корея).

Такризчилар: ф.ф.д., проф. Ф.И.Мўминова,
ф.ф.д., проф. Х. Акбаров

Ўқув дастури ЎзМУ Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2016 йил _____ даги _____ сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуну олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизimli тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилган мазмулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуну, сифати ва уларнинг тайёрлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизimli тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда илғор хорижий таърибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларнинг қўлланиши.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Журналистика ва коммуникация соҳасида тизимли таҳлил.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Он-лайн журналистика.
- 6.2. Телерадиожурналистика самардорлиги.
- 6.3. Коммуникацион снэсат ва медиа иқтисод

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

- “Журналистика ва коммуникация” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуқсиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий таърибаларни ўзлаштириш;
- “Журналистика ва коммуникация” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Он-лайн журналистиканинг мазмуни, таркиби ва янги тенденцияларини;
- интернет ахборотини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг психологик жихатларини;
- Он-лайн муҳитда конвергент журналистика фаолиятини;
- телевидение ва радио ахборотини узатишдаги янги йўналишларини;
- телерадио ахборотни персонализациялаш ҳамда телерадиоэффир тузилишидаги янги тенденцияларини;

- шартли телевидео журналистика фаолиятини;
- коммуникацион сўёнг мохияти, тузилиши ва янги тенденцияларини;
- ахборот хавфсизлигини;
- журналистика ва коммуникация соҳасидаги бизнес-технологияларини,
- журналистика ва коммуникация соҳасидаги янги авлод ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий коммуникация воситалари, уларнинг маҳсулотларини,
- медиадизайннинг янги тамойилларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- Он-лайн муҳитдаги замонавий мультимедиа форматларни таҳлил қилиш;
- Он-лайн журналистика соҳасидаги янги тенденцияларни ўқув машғулотларида тadbик этиш;
- Он-лайн журналистиканинг асосий воситалари, форматлари ва турларини ажратиш;
- телерадиожурналистика йўналишидаги янги натижалар ва янги тенденцияларни ўқув машғулотларида талабаларга тушунтириш;
- телерадиожурналистиканинг асосий воситалари, ахборот сўёсати ва форматларини ажратиш;
- коммуникацион сўёсатни таҳлил қилиш;
- коммуникация ва медиаиктисод соҳасида бизнес ташкил этиш ва олиб бориш тамойилларини ўқув машғулотларида талабаларга тушунтириш;
- медиадизайннинг асосий комплекслари, воситалари ва турларини таҳлил қилиш **қўничаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- назарий билимлар ва амалий қўникмаларни педагогик фаолиятда қўллай олиш;
- журналистика ва коммуникация жараёнларининг турли соҳаларидан фойдалана олиш;
- соҳадаги жараёнларни тadbик қила билиш;
- соҳа шароитлари ва қонуниятларини ўрганиш, жараёнларни оптималлаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- журналистика ва коммуникация фанларининг асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истикболларини етказиб бериш;
- журналистика ва коммуникация усуллари ҳамда қонуниятларини тушунтириш;
- журналистика ва коммуникация тизимларини тамоинлаштириш;
- журналистика ва коммуникация соҳасининг назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш;
- мақсадли маҳсулотларни олиш бўйича тажрибавий вазифаларни режалаштириш ва бажариш;
- соҳада қўлланиладиган илмий ёндашувларни ташкиллаштириш;

- журналистика ва коммуникация жараёнларининг асосий босқичларини тушунтириш;
- журналистика ва коммуникация соҳасидаги янги тамойиллар ва тенденцияларни, бизнес-технологияларни, янги мультимедиаформатларни, янги оммавий коммуникация воситаларини амалиётда қўллаш;
- журналистика ва коммуникация фанларининг асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқларидан амалиётда фойдаланиш;
- журналистика ва коммуникация соҳасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш;
- назарий билимларни журналистика ва коммуникация соҳасидаги амалий вазифаларни ечишда тadbикотларни бажариш **компетентияларига** эга бўлиши лозим.

Курснинг ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Журналистика ва коммуникация” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омилли сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юсак маънавият – энгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган

маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазибаларнинг белгилианиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бошқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳуқусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон Қарори, 2015 йил 25 августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 246-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида “Вақт

меъёрлари” тушунчаси ва уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш бошқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахса йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассиметт методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга тағбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлигининг мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Журналистика ва коммуникация фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларининг таълим тизимида татбиқ этилиши.

Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

Журналистика ва коммуникация фанининг ривожланишига сўнги ўн йилда ривожланган хорижий мамлакатларда ҳамда республикаимизда хисса қўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар. Илмий мактаблар, кашфиётлар натижаеи, журналистика ва коммуникация соҳаси бўйича нашр этилган сўнги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили. Журналистика ва коммуникация фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация

технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, тарқиб, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2. Журналистика ва коммуникация фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плеерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видео ни тахрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари хақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маърузалар категориялари. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг таъқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 ораллиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларнинг роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одағлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуниш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари
5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлидан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилни амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйилган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Журналистика ва коммуникация соҳасида тизимли тахлил.

Журналистика ва коммуникация соҳасида тизимли тахлил тамойиллари. Журналистика ва коммуникация тизими ҳамда уларнинг тузилмаси. Тизимли тахлил методологияси. Тизимли тахлилнинг йўналишлари. Тизимли тахлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида журналистика ва коммуникацияда тизимли тахлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли тахлилда микдорий ва сифат ёндашuvi. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли тахлили.

VI. Махсус фанлар

6.1. Он-лайн журналистика.

Он-лайн муҳитда маданиятларaro диалог. Он-лайн медиамаконда турли маданиятлар вакилларининг самарали, нозидиятгли ҳамкорлиги. Он-лайн контент воситасида образ ва ташунчаларнинг интерференцияси. “Чумшoк куч” тушунчаси.

Он-лайн муҳитда замонавий медиаформатлар. Он-лайн медиамаконда ахборотни тайёрлаш ва узатишнинг замонавий усуллари. Он-лайн журналистиканинг энг янги медиаформатлари типологияси ва хусусиятлари.

Интернет ахборотини ишлаб чиқиш ва истеъмoл қилишнинг психo-когнитив жиҳатлари. Он-лайн муҳитда аудитория ва муаллиф

муносабатлари. Турли форматдаги интернет ахборотининг аудитория томонидан қабул қилиниши. Полимаданий ахборот макони ҳамда “ахборот хуруж”лари шарoитида Он-лайн материалларни узатиш ва унинг ахлоқий жиҳатлари.

Тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир футурoлогик концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятга таъсири. Тармоқ коммуникациялари тараккиётидаги замонавий тенденциялар. Гиперматг эволюцияси масалалари. Тармоқ коммуникацияларининг жамият ривожланишига таъсири концепциялари. Постмoдернизм даврида семантика ва онлайн медиалар. Он-лайн медиада символ ва белгилар. Он-лайн журналистикада тил воситаларидан унумли фойдаланиш. Он-лайн оммавий коммуникация воситалари учун материал тайёрлашнинг янги услуб ва методикалари.

Ижтимоий медиалар – журналистика тараккиётидаги янги йўналиш. Аудиториянинг хамштирокчилиги. Ижтимоий йўналтирилган журналистика. Журналистика тараккиётидаги адаптив йўналишлар. Ижтимоий тармоқлар-маданиятларaro диалог муҳити сифатида.

Он-лайн муҳитдаги конвергент журналистика. Журналистлик фаолияти учун тармоқ оммавий коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланишнинг янги усуллари. Видеоформат. Аудиоформат. Анимация. Символлар. Матн ва гиперматн.

6.2. Телерадио журналистика самардорлиги.

Теле- ва радиоэфирда янгиликлар узатишнинг янги йўналишлари. ТВ ва РЭда янгиликлар ва ахборотларни яратиш, тақдим этишдаги янги ёндашувлар тахлили. РЭда янгиликларни тайёрлашнинг янги технологиялари.

Телевидение ва радио соҳасидаги янги технологиялар. Телерадио тизимидаги энг янги техник-технолoгик воситалар. Тележурналистикада анимация имкониятларидан фойдаланиш. Товушни ишлаш борасидаги янги дастурий махсулотлар.

Телерадио журналистиканинг янги муаммoли-мавули йўналишлари. Турли мавзули ва касбий йўналишларда тўпланган замонавий хорижий тажриба тахлили. Чуқурлашган интервью ва чуқурлашган репортаж. Спорт, экология, ижтимоий ва бошқа соҳаларга доир киска фильм ва роликлар. Телерадио журналистика ва шоу-бизнес.

Телерадио журналистика маданиятларaro ҳамкорлик доирасида. Глобаллашув ҳамда оммавий коммуникация воситалар махсулотларида маданий кодлар интерференцияси шарoитида халқaro ҳамкорлик тахлили. Телерадио журналистика, медиасавoдхонлик ва миллий ўзлик.

Телерадио журналистикада персонафикациялашувнинг замонавий тенденциялари. Фикрлар етакчисидан фойдаланинган ҳoлда телерадио канал имижини яратиш масалалари. Медиаперсонанинг аудиторияга таъсирини ўрганиш.

Эфир тузилишидаги янги тамойиллар. Телерадиоканалнинг ахборот сиёсатини ишлаб чиқишдаги инновациялар. Телерадиоахборот узатишнинг янги шакл ва усуллари.

Адаптив журналистика. Янги ижтимоий ҳодисаларнинг глобал контекстга мослашуви масаласи. Оммавий коммуникация воситалари орқали глобал медиамақонда ижтимоий жараёнларнинг ўзгариши хусусидаги ахборотни тарқатиш.

6.3. Коммуникацион сиёсат ва медиа иқтисод.

Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар. Дигиталлашув, конвергенция, глобаллашув. Коммуникацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат сазй-ҳаракатлари. Ахборот жамияти шароитида давлат бошқаруви масалалари. Электрон ҳукумат коммуникацион сиёсат таркибида. Оммавий коммуникация воситаларининг эволюцияси ва демократлашуви.

Ахборот хавфсизлиги масалалари. Медиясаводхонлик, манипуляцияни аниқлаш усуллари, ахборот маконида йўналтириш. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари ахборотининг ишончлилиги масаласи. “Ахборот хуружи”: янги усуллар ва ёндашувлар.

Журналистика-коммуникация бизнес кўриниши сифатида. Замонавий медиаиндустрия: ривожланган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар моделларининг қисий таҳлили. Медиаиқтисод таркиби.

Телерадиожурналистика, матбуотда менежмент ва маркетинг. Телевидение ва радио-бизнес тури сифатида. Матбуотдаги бизнес-технологиялар. Онлайн-макон бизнеснинг янги кўриниши сифатида.

Янги ахборот-коммуникацион технологиялар ва оммавий коммуникация воситалари. Оммавий коммуникация воситалари ва оммавий ахборот воситалари техникаси ва технологиялари соҳасидаги инновациялар. Оммавий ахборот яратиш ва узатишнинг янги усуллари. оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалар аудиторияси билан ишлашнинг янги кўринишлари. Аудитория, ижтимоий фикр ўрганиш усуллари.

Медиадизайндаги янги тенденциялар. Медиадизайн ахборотни визуаллаштириш омили сифатида. Медиадизайндаги янги ёндашув ва тамойиллар. Медиадизайнда аудиториянинг фаол қисми ҳисобланган ёш авлодга йўналтирилган усуллар.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятлар масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида хар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;

- мавзулар бўйича тақдимотлар;

- бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш; мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон погрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон, коғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировад мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон., 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. -176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. -302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан ислох қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуқсиз таълим тизimini учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуқсиз таълим тизimini дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлири талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва микдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Ўдавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқиниши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқиндан

четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Уриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизimini жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сон Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. Т., 2000. – 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/T., 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
6. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: Академия, 2011. – 154 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т., 2006. – 230 б.
8. Самаров Р. (хаммуаллифликда) Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). – Тошкент: Академия, 2010. – 170 б.
9. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. 95 б.
10. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: Академия, 2003. – 70 б.
11. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёналарини ташкил этишинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: “Университет”. 2015. – 245б.
12. DUEТ-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
13. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
14. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
15. Economies of Media: the transformation of the global media industries. London: Bloomsbury, 2010.
16. Tim O’S, John H., Danny S., Martin M., John F., Key Concepts in Communication and Cultural Studies. Second Edition, 2009.
17. Media Flows, Soft Power and East Asia. Edited by Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. 2010.
18. Jin, Dal Yong. Korea’s Online Gaming Empire. Boston, MA: MIT Press 2010.
19. Theories of Influences on Mass Media Content. Longman USA. 2009.
20. Duzze M. Managing Media Work. 2011.

21. Media and Communication Studies: Interventions and Intersections. The intellectual work of the 2010 ECREA European media and communication Doctoral summer School.
22. Seth C. Lewis. Oscar Westlundb. Big Data and Journalism. 2014.
23. Carolyn Handa. The Multimediated Rhetoric of the Internet. Digital Fusion.
24. Jennifer Alejandro. Journalism in the age of social media. Hilary and Trinity Terms. 2010.
25. Julie Frechette. Media Education for a Digital Generation. 2011.
26. Nic Newman. Journalism, media and technology predictions 2016. Reuters Institute for the Study of Journalism.
27. Dal Yong Jin. Digital Platforms, Imperialism and Political Culture. 2012
28. Shapiro J. Evaluating journalism. Journalism practice. 2010.
29. Paul A. Taylor and Jan L. Harris. Critical Theories of Mass Media: Then and Now. Open University Press-USA. 2008
- 30 Robert A. Papper, Edwin C. Rozwens, Edward C. Martin. Broadcast News and Writing Stylebook. 2012.
31. Allan Bell. The Language of News Media.
32. PUBLIC BROADCASTING: WHY? HOW? \ UNESCO publishing. 2000.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.asi.uz.
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimn.uz
5. Ўзбекистон Миллий университети: www.uzmi.uz.
6. www.Ziyounet.uz
7. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларий сайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази
Директор _____ У.Ш.Бегимкулов

“ ” 201_ й.

М.У.



Ректор _____ Ш.С. Сирожилидинов

“ ” 201_ й.

М.У.

ЎзМУ ҳазратини марказ (ини тақавий) марказ
Директор _____ Ф.Т. Эсанбобоев

“ ” 201_ й.



КЕЛИШИЛГАН:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий таълим муассасалари Бош
бошқармаси

Бошқарма бошлиги _____ И.У. Маждидов

“ ” 201_ й.

М.У.